Ушбу сонда:
2 Долзарб мавзу СОЛИҚ ВАҚТИДА ДАВЛАТ ХАЗИНАСИГА ТУШСА
3 АМИР ТЕМУР – ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI – FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 9 апрел, шанба № 59 (1900)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ИЛМИЙ ТАВСИЯ АСОСИДА

***Автомобил йўллари саноатида юзага келаётган техник янгиликлар транспорт йўлсозлиги ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Тошкент автомобил йўллари институтининг "Автомобилсозлик" факультети олимлари изланишлари натижалари ҳам соҳа амалиётида қўл келмоқда:***

Автотранспорт воситалари самарадорлигини оширишга доир тадқиқот эса "Ўзбекнефтгаз" холдинг компаниясида ўз амалий ифодасини топди. Айни вақтда бу изланишга нефтни қайта ишлаш ҳиссадорлик компаниясида ҳам қизиқиш ортди.

Натижада экстремал шароитда юк ташишда иқтисодий фойда кўрилмоқда. Шу сабабли олимлар тавсияси асосида Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсидан республикамиз пойтахти Тошкентга транспортда юклар олиб келиш анча жадаллашди.

**А. АЛИЕВ**



## ЯНГИ КОНЛАР ТОПИЛМОҚДА

***Қишнинг изғирин ёки ёзнинг жазирамасида, тоғу тошда, чўлу биёбонда геологлар тиним билмай меҳнат қилади. «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси республикамизнинг тенг ярмида фаолият олиб боради. Дала-қидирув экспедициялари Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Навоий вилоятларида иш олиб бориб, янги конларни кашф қилмоқдалар.***

Корхона ўтган йилни яхши натижалар билан якунлади. Бу ердаги дала-қидирув экспедициялари асосан қора металл, рангли ва нодир металлар, кўмир, нометалл фойдали қазилмалар, қурилиш материаллари, олмос ҳамда минтақавий геоло-геофизик ишлар бўйича олиб борилади.

Қизилқум. Ёзда бу ерда ҳарорат 50-60 даражага кўтарилади. Лекин шунга қарамай, геологлар тиним билмай изланишади.

– Жанубий конларимиз республикамизда етакчи ҳисобланади, – дейди «Қизилқум дала-қидирув экспедицияси» бошлиғи Салимжон Юнусов. – Хусусан, олтинпазлар юрти бўлмиш Мурунтовда олтин кони 1958 йили топилган эди. Тўрт йил кейин эса биз меҳнат қилаётган экспедиция ташкил бўлди. Ўтган вақт мобайида бу ерда ўнлаб олтин конлари топилиб, бир қатор корхоналар ишга туширилди.

Геологларнинг меҳнати зое кетмади. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Арестантов, Бесапантов, Балпантов, Мютенбайтов каби олтин конларидаги олтин заҳиралари аниқланиб, давлат заҳира комиссиясига топширилди.

**Суратларда: машинист ёрдамчиси Женисбек Авезов; бир гуруҳ геологлар.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**



*Фаоллар ҳақида ҳикоялар*

***Бу галги тортишув поёнига етмади. Автокорхона раҳбарлари айбларини тан олгиси келмади. Аммо даъвогар томонида бўлган аёл ҳам сира бўш келай демасди. Иш берувчи томони меҳнат қонунларини қўпол равишда бузганлигини рад этиб бўлмас далиллар билан исботлади.***

## СИРДАРЁДА БИТТАГИНА

Барибир масала очиқ қолди. Энди муаммони фақат судгина ҳал этиши мумкин эди. Тортишувлардан ҳориб-чарчаган Моҳира Умарова ҳорғин идорага қайтди. Ҳуқуқшунос Жанна Цой билан фикрлашиб фуқаролик судига даъво аризаси киритишга келишиб олишди.

Эртасига эшик оҳиста чертилиб, забардаст бир эркак кириб келди.

— Моҳира опа сизмисиз, - деди ташриф буюрувчи. Тасдиқ маъносини олгач, қўшимча қилди. - Мен автокорхонаданман. Раҳбаримиз йўқлаётувди. Кечаги масала юзасидан фикрлашиб олайлик, деяпти.

Кейинги учрашув тамомила бошқача тус олди. Автокорхона бошлиғи самимий қаршилади: «Сиз ҳақсиз. Биз ходимга жабр қилибмиз. Энди бу ёғига ҳам йўл-йўриқ кўрсатиб юборасиз, опа». Хуллас, ишдан ноҳақ бўшатилган ходим ўз вазифасига тикланди. Мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Биз бу гапларни ҳаводан олмадик. Ўзимиз шоҳид бўлган воқеани ҳикоя қилдик, холос. Аслида, бу Моҳира Умарованинг иш фаолиятидаги одатий бир ҳол. Мана, яна бир мисол. Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгашининг ўша пайтдаги раиси Носирхон Акбаров бир куни М.Умаровани ҳузурига чорлаб, «Пахтасаноат» тизимидаги корхоналарда иш ҳақи тўлаш пайсалга солинаётгани, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар кўпайгани, ариза ва шикоятлар кўпаётганлигини айтиб, юзага келган аҳволни жойида ўрганиб, таҳлил қилиб беришни сўради. Моҳира Умарова ишга астойдил киришди. Тармоқдаги ҳолатнинг ипидан нинасигача ўрганди. Натижада тизимдаги оқсашларнинг асл сабаби аниқланиб, раёсатда кўрилди. Лоқайдликка йўл қўйган раҳбарлар, касаба уюшма ташкилотлари етакчиларига камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди. Тўғри, ўшанда ундан ранжиганлар ҳам кўп бўлди. Ахир, камчиликларини шартта юзга айтиш, боз устига, матбуотда бонг уриш кимга ҳам хуш ёқарди. Қисқаси, М.Умарованинг куюнчаклиги, тиниб-тинчимаслиги билан тизимдаги бир қатор камчиликларга чек қўйилди.

Умуман иш ҳақидан қарздорлиги бўлган 362 та корхона раҳбарларига бу муаммони ҳал этиш юзасидан расмий талабномалар киритилди.Касаба уюшма аралашуви билан катта миқдордаги қарздорликка барҳам берилди. Бу юмушларда Моҳира Умарованинг ҳам ҳиссаси катта.

Ўн беш йилдирки, Моҳира опа ҳаловатдан кечган, изланади, интилади. Унинг зиммасига кирмайдиган вазифа йўқ ҳисоб, шу боис у меҳнат қонунлари ижроси, жамоа шартномаларининг бажарилиши йўлида тинмай изланиб келаяпти. Ҳамкасблари, дўстлари гоҳ-гоҳи ҳазил аралаш касаба уюшмада ўқиган, дейишади уни.

Табиатан ҳаракатчан Моҳира Умаровага тақдир кулиб боққан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлагач, довруғли корхона «Лола» тикувчилик фабрикасига келди. Ўн саккиз йил шу жамоада ишлади. Технолог, цех бошлиғи, бош муҳандис вазифаларида ҳалол хизмат қилди. Ишчан, покдомон аёл назарга тушди. Уни шу корхона раҳбарлигини қабул қилиб олишга таклиф этишди. Аммо Моҳира унамади. Касаба уюшмасини танлади. Эл манфаати учун кўпроқ елиб-югуришни дилга тугди. Шу-шу жамоат ташкилоти фидойиси, ғамхўри, жонкуярига айланди.

– Моҳира Умарова барча касабачилар устози, - дейди Сирдарё вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси раиси ўринбосари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма раиси Қаршибой Эшназаров. - Тизимдаги кўплаб ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаяпти.

Моҳира опанинг узоқ йиллик самарали меҳнати беиз кетмади. Касаба уюшма фахрийси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг «Эҳтиром нишони» билан тақдирланди. Сирдарёликлар орасида биринчилардан бўлиб бу шарафга сазовор бўлиш Моҳира Умарова кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Айни чоғда ишчан аёл қишлоқ хотин-қизлари турмуш шароити, ҳуқуқий билимларини оширишга ҳисса қўшишга бел боғлаган.

– Рағбат – инсонга қанот, – дейди Сирдарё вилояти касаба уюшмалари бирлашмалари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими мудири Моҳира Умарова. – Гапнинг очиғи, узоқ муддат касаба уюшмасида ишласам-да бирор бир имтиёздан фойдаланишни ўзимга эп кўрмаганман. Чунки нимаики қилган бўлсам, буни бурчим деб билганман. Ана шу ҳис ҳамиша менга ҳамроҳ, жон куйдириб ишлашга ундаб келади.

Фидойилик вужудига сингиб кетган ташкилотчи, намунали оила бекаси, меҳрибон она ўзини том маънода бахтли деб билади.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшмалари бугун*

***Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳар вакиллиги давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Улар меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашдек долзарб вазифани бажаришда келишувлар ҳамда жамоа шартномаларидан фойдаланишмоқда. Мазкур ҳужжатларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида 2001 йилдан бошлаб жамоа шартномаларини экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилди. Айни пайтда тузилган 136 та ҳужжатларнинг деярли барчаси тармоқ вакиллигидан рўйхатдан ўтказилди.***

## ВАҚТ бизнинг фойдамизга ишласин

Уларда тармоқ келишувларидаги мавжуд бандларнинг барчаси ўз аксини топган. Аҳамиятли томони шундаки, жамоа шартномаларига корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар киритиляпти. Қўшимча ҳақ тўланадиган таътиллар берилиши, инсон саломатлиги учун зарарли шароитларда ишловчиларга қўшимча ҳақ тўлаш, меҳнаткашларни махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда жамоа шартномалари бандларини бажариш учун 26 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Тўғри, қўшимча имтиёзлар учун етарли миқдорда маблағ ажратиляпти. Лекин шундай бўлса-да, иш ҳақини ўз вақтида тўлашда турли муаммолар ҳам учраяпти. Шу боисдан айни кунга келиб айрим ташкилотларда иш ҳақидан қарздорлик пайдо бўляпти. Бунинг оқибатида ишлаб чиқаришда жароҳатланиш олганларга ва турли нафақаларни ўз вақтида тўлашда қийинчиликлар туғилмоқда. Мазкур масала шаҳар вакиллигининг раёсат йиғилишларида беш марта муҳокама этилди. 30 дан зиёд корхоналарга иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлардан қарздорликни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар юборилди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида иш берувчилардан 320 миллион сўмдан зиёд қарз ундириб берилди.

Вакиллик ўтган йили кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Уларга республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Фарзандлари эса болалар ёзги оромгоҳларида бепул дам олдирилди.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳам вакилликнинг доимий диққат марказида. Шу мақсадда тармоқ корхона ҳамда муассасаларда жамоатчилик асосида 16 та «Ҳуқуқий маслаҳатхона» фаолият кўрсатяпти.

Меҳнат муҳофазаси ҳам кейинги вақтда касаба уюшма ташкилотларининг асосий иш фаолиятларидан бирига айланди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда кучли бошланғич ташкилот бўлса, ўша ерда меҳнаткашлар эмин-эркин, хавфсиз шароитда ишламоқда. Бу борадаги вазиятни таҳлил этиш мақсадида 93 та корхонадаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Уларда турли даражадаги 1,5 мингта қоида бузилиш ҳолатлари борлиги аниқланди. 19 нафар раҳбарга жарима солинди.

Ҳозирги шароитда мазкур муҳим тадбирни яхшилашда касаба уюшма қўмиталари раисларининг роли ошиб боряпти. Улар ишчи-хизматчилар учун қулай ҳамда хавфсиз иш шароитини яратишда иш берувчилар билан музокаралар олиб боришлари зарур. Мана шундай йўл тутилганда, 60 та бахтсиз ҳодиса рўй бермаган ва уларда 15 нафар киши ҳаётдан эрта кетмаган бўларди. Устигаустак «Санқуртаъмирлаш», «Тошмахсуспардозқурилиш» ҳиссадорлик жамиятларида иш вақтида жароҳат олган ҳамда касб касаллигига чалинганларга ҳақ тўлаш айрим сабабларга кўра кечикмоқда.

Бу борадаги муаммони бартараф этишда вакиллик бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам ишда муҳим ўзгариш ясамоқда. Бунда «Уй-жой қурилиш», «Турон марказ қурилиш» ҳиссадорлик жамиятларининг касаба уюшма қўмиталари ҳамда улар қошида фаолият кўрсатаётган комиссиялар яхши натижаларга эришдилар.

Ижтимоий ҳимоянинг яна бир муҳим бўғини меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришдир. 2000 - 2004 йиллар мобайнида 8 минг 080 нафар ишчи-хизматчи мана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди. Лекин бу борада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Кейинги йилга келиб соғломлаштирилаётган меҳнаткашлар сони камайиб кетяпти. Масалан, «4-қурилиш трести» ҳиссадорлик жамияти ва «Тошкент тажриба-механика заводи» тасарруфида «Қуёшли» ҳамда «Ёш куч« болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари бор. Уларда ҳар бир сменада 300 нафар бола дам олади. Бир мавсумда эса 1800 нафар бола ҳордиқ чиқаради. 2002 йилгача учта оромгоҳ, шу жумладан, «Тошкент 1-уй-жой қурилиш комбинати» акционерлик жамиятида «Булоқча» оромгоҳи фаолият кўрсатарди. Лекин иш берувчилар билан олиб борилаётган мулоқотларга қарамай, бу борадаги ишлар анча оқсаб қолди.

Вакилликда бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ўқуви муттасил ўтказилмоқда. Ўтган тўрт йил мобайнида 1 минг 686 нафар етакчи семинарларда ўз малакасини оширди. Лекин шунга қарамай, «Сантехжиҳозлари» заводи, «ТТМЗ», «ЭКОБД» акциядорлик жамиятларида ишни ташкил этишда айрим камчиликлар учраяпти. Уларнинг ишини яхшилашда вакиллик томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Айни вақтда жойлардаги касаба уюшма етакчилигига интилувчан ва ташаббускор ёшлар жалб этилмоқда.

**Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири**

*Шахмат*

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ КУЧЛИЛАР САФИДА

***Спорт оламидаги шахматга ихтисослашган нуфузли нашрлардан бири «64-Шахматное обозрение» (Россия) 2004 йил якунига кўра йилнинг энг яхши ўн нафар гроссмейстерини аниқлади.***

Ўнинчи маротаба ташкил этилган сўровда дунёнинг 75 мамлакатидан 445 нафар шахмат мутахассиси иштирок этди. Уларнинг аксарияти - 279 киши ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Ананд номзодини биринчи ўринга қўйди. Умумий ҳисобда 5205 балл жамғарган Вишванатан Ананд ўтган йилнинг энг яхши гроссмейстери деб эътироф этилди.

Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕнинг амалдаги жаҳон чемпиони ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов энг кучли гроссмейстерлар сўровида бешинчи ўринда қайд этилди. Шахмат мутахассисларининг 12 нафари Рустамни биринчи ўринга қўйди. Якуний натижага кўра, 2088 балл тўплаган ҳамюртимиз Веселин Топалов (Болгария), Василий Иванчук (Украина), Майкл Адамс (Англия), Александр Морозевич (Россия) ҳамда Александр Гришчукни (Россия) ортда қолдирди.

**(ЎзА)**

## КУНДА БИР ЯНГИЛИК

Яккабоғ туман марказий шифохонаси ҳузурида «Шошилинч тез тиббий ёрдам» бўлими очилди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур бўлимга тумандаги тадбиркор ва фермерлар ҳомийлик ёрдами кўрсатди. «Яккабоғдон маҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти «Дамас» автомашинаси совға қилди.

Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлимда бир йўла йигирма нафар беморга тез тиббий хизмат кўрсатиш мумкин.

*Ислоҳот йўлидаги ғовлар*

***Вилоятда 200 дан ошиқ қишлоқ хўжалик корхонасининг 119 тасида мулк шакли ўзгариб, 15 мингдан ошиқ фермер хўжалиги тузилди. Жорий йилда ҳам 30 дан ортиқ ширкат негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди.***

## ХАРИД НАРХИ нотўғри қўлланилган

Тадбиркорлик субъектларининг кўпайиши билан уйғун равишда хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти ҳам такомиллашиб, ишбилармонларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, молиявий ва интеллектуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш борасида амалий ёндошишни талаб қилади.

Фермер хўжаликлари ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 70 фоизини етиштирмоқда. Фермерлар ва улар билан бевосита шартнома асосида ишлайдиган тузилмалар ўртасидаги хўжалик фаолиятини йўлга қўйишда вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Ҳудудий бошқарманинг "Рақобат сиёсатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режа-дастури"да маҳсулот ишлаб чиқаришда соғлом рақобат муҳитини яратишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Белгиланган тадбирларнинг ижроси қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга машина-трактор парклари хизмати кўрсатиш, пахта хомашёси учун хўжаликларга ҳақ тўлаш, уруғлик чигити билан таъминлаш, пилла етиштирувчиларга ипак қурти уруғи етказиб бериш соҳаларида қонун талабларига риоя этилиши, монопол маҳсулот ва хизматлар учун белгиланган нархларга амал этилишида ўтказилган мониторинг ва назорат ишлари ижобий самара бераяпти.

Таҳлил натижасига кўра тизимдаги корхоналар томонидан монопол хизматлар кўрсатиш, маҳсулот учун ҳақ тўлаш, маҳсулот етказиб беришнинг декларация қилинган ва ҳукумат томонидан қўйилган харид нархларини нотўғри қўллаш ҳолатлари аниқланди ва мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Дон етиштирувчи ширкат, жамоа ва фермер хўжаликларининг ёзма мурожаатига асосан ўтказилган мониторингда вилоят МТП бирлашмаси ва унинг туман корхоналари ғалла ҳосилини ўриб олишда ўрнатилган нархни 1 гектар майдон учун суғориладиган ерларда 5378 сўм ва лалми ерларда 4302 сўмга ошириб қўллаганлиги аён бўлди ва олинган ошиқча маблағ ғалла етиштирувчи хўжаликлар фойдасига қайтарилди.

Вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасига қарашли корхоналарда ўтказилган текширишда ширкатлар, деҳқон-фермер хўжаликларига пахта хомашёси ва тола учун ҳақ тўлашда прейскурантда қайд қилинган нархларни пасайтириш ва уруғлик чигит етказиб беришда декларация қилинган баҳоларни ошириб қўллашдан 99 миллион 536,3 минг сўм, Шаҳрисабз ипак қурти уруғи корхонаси пиллакор хўжаликларга уруғни сотишда нархни асоссиз равишда ортиқчасига қўллашдан олинган 22 миллион сўм ноқонуний даромад олганлиги аниқланиб, маблағлар хўжалик ва фермерлар фойдасига ундирилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратишда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Унга асосан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ҳудудий идралари маҳсулотлар, хомашё ва материалларни биржа савдоларига ва аукционларга мажбурий равишда қўйилишини, шунингдек ушбу маҳсулотларни доимий равишда биржа листинглари ва қотировкаларида бўлишини назорат қилишни таъминлайди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг самараси иқтисодиётга бозор механизмларини кенгроқ жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларга юқори ликвидли товарларни харид қилишда тенг шарт-шароитлар таъминланиб, товар бозорларида иштирок этаётганлар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилаяпти.

Монопол маҳсулот ва хизматлар нархларини қайта кўриб чиқиш ўзининг самарасини бера бошлади. Жумладан, 2005 йил ҳосили учун кузги шудгорлашнинг тарифи 2003 йилда белгиланганига нисбатан 2126 сўмга ёки 10,4 фоизга пасайтирилди ва 18 минг 300 сўм миқдорида белгиланди. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини арзонлаштириш имкониятини беради.

**М. СУЛТОНОВ, Қашқадарё вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

## СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Темурийлар шажараси ва темурий маликалар» мавзуида кўргазма очилди. Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир Амир Темур таваллудининг 669 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларданоқ буюк аждодларимиз номини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш, беназир маънавий меросини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги ривожи ҳамда жаҳон тарихида тутган ўрнини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётир. Зеро, буюк бобокалонимизнинг бой маънавий мероси, ўгитлари, бунёдкорлик ишлари бугунги ҳаётимизга ҳам ҳамоҳангдир.

Кўргазмада мўйқалам усталарининг Темур ва темурийлар даврига оид элликдан зиёд асари ўрин олган. Улар орасида Э.Машариповнинг «Туғилиш», М.Набиевнинг «Соҳибқироннинг ёшлиги», «Амир Темур», Р.Ризамуҳамедовнинг «Шажара» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**(ЎзА)**

## ЙИГИТЛАР САРАСИ САФГА ТИЗИЛДИ

Фарғона вилоят мудофаа бошқармасига қарашли чақирув йиғин пунктида ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаш, эл-юртимиз тинчлик-осойишталигини сақлашдек муқаддас вазифаларни адо этаётган ҳарбийлар сафида фарғоналик йигитларнинг ҳам ўз ўрни бор.

- Бу гал кенжатойимни ҳарбийга жўнатдим, - дейди Марғилон шаҳрида яшовчи Насиба Расулова. - Икки ўғлим ҳарбий хизматни эсон-омон ўтаб қайтди. Она учун энг катта бахт - фарзандларининг юрт корига яраши эмасми.

Армия сафига йўл олган дастлабки 208 нафар чақирилувчининг барчаси ўз касб-маҳоратига эга. Улар давлат чегара қўшинлари, ички ишлар ва мудофаа вазирликлари ҳарбий қисмларида ўз йигитлик бурчини ўтайди.

*Имконият ва натижа*

***Ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари билан салмоқли ўринни эгаллаган Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш ресурслари ва мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилаяпти?***

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ

## шарофати туфайли Қашқадарёдаги 30 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотини экспорт қиляпти

Вилоятнинг 2005-2007 йилларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури ишлаб чиқилиб, унда воҳа иқтисодиётининг турли тармоқларига 400 миллион АҚШ долларилик сармояларни киритиш ва 78 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Агар мазкур дастур ҳаётга тадбиқ этилса, бир йилда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 243 миллиард сўмга ошади. Унинг қарийб ярми хорижга экспорт қилинади. Замонавий технологик ускуналарнинг олиб келиниши ва кўплаб йирик мажмуалар бунёд этилиши эвазига 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш - тараққиёт пойдевори. Ишбилармонларга етарли шароит яратиб берилганлиги, улар ўртасида соғлом рақобат вужудга келтирилганлиги туфайли воҳанинг иқтисодий салоҳияти ошиб бораяпти.

Хорижий сармоялар ёрдамида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш билан бирга ташқи бозорда ҳам муайян ютуқларга эришилаяпти. Вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар уч қитъа мамлакатларига жўнатилаяпти.

Пахта толасини қайта ишлаётган Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон - Япония - Туркия қўшма корхонаси экспорт ҳажмини кўпайтириб, хорижий ҳамкорларга 2,8 минг тонна ип-калава ва 2 минг тонна мато етказиб берди. Щвейцария ва россиялик тадбиркорларга пахта чиқитини эркин алмаштириладиган валютага сотишди. Бултур ташкил этилган «Cotton Road» Ўзбекистон - АҚШ —Туркия қўшма корхонаси ҳам дастлабки кунларданоқ экспортчилар сафига қўшилди.

Вилоятнинг йиллик ташқи савдо айланмаси 242,6 миллион АҚШ долларига тенг. Шундан импорт миқдори 47,4 миллион, экспорт ҳажми 195,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Хориждан харид қилинган товарлар миқдори 20 миллион долларга камайган бўлса, чет элга сотилган маҳсулот ҳажми 48,2 миллион долларга кўпайгани қувончли бир ҳолдир. Қўлга киритилган бундай муваффақиятларга ўнлаб корхоналар муносиб ҳисса қўшдилар.

Мамлакат саноатининг етакчи корхоналаридан ҳисобланган «Шўртангазкимё» мажмуи хорижий ҳамкорларга бундан икки йил муқаддам 8 миллион 68,2 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб берган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткични 47 миллион 545,3 минг долларга етказди. ISO - 9001 халқаро меъёрларига мос келадиган ва сифати тегишли сертификат билан кафолатланган полиэтилен гранулалар бугунги кунда Европа ва Осиёдаги 20 та давлатга экспорт қилинаяпти. Германия, Польша, Болгария, Туркия, Хитой, Эрон, Болтиқбўйи ва МДҲ мамлакатларининг нуфузли компаниялари «Шўртангазкимё» маҳсулотларини харид қилишаяпти.

Қашқа воҳасида тайёрланган пахта хомашёси жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаган. Айни пайтда тола уч қитъада жойлашган 21 та давлатнинг вакилларига сотилади. Рақобатбардош маҳсулотларни Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жанубий Кореянинг фирмалари кўп миқдорда харид қилишмоқда.

Вилоятдаги 30 дан ортиқ кичик бизнес корхоналари чет элдан ишончли ҳамкорлар топиб, дунёнинг ривожланган давлатларига тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни экспорт қилишаяпти. Момиқ ва ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қамаши - ХБК» корхонаси Россия, Жанубий Корея ва Туркияга 1 миллион 57 минг АҚШ долларилик маҳсулот жўнатди. Қарши шаҳридаги «Керамик» акциядорлик жамияти Қозоғистон ва Тожикистонга пишиқ ғишт жўнатаяпти. Китоб туманидаги «Гавҳар» фирмаси хорижий ҳамкорларга томат пастаси етказиб бераяпти.

Қарши шаҳридаги масъулияти чекланган жамият импорт ўрнини босувчи полиэтилен ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. «Асака банк» филиали ёрдамида имтиёзли кредит олиниб, Тайвандаги «Хайпласт» компаниясидан замонавий ускуналар келтирилди. Корхона цехларида ўрнатилган дастгоҳлар бир соатда 60 килограммгача хомашёни қайта ишлаб, полиэтилен пакетлар, 7500 донагача савдо белгилари, реклама матнлари ишлаб чиқаради.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастурига мувофиқ тоғли Деҳқонобод туманида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш заводи бунёд этилади. Лойиҳа қиймати 85,8 миллион АҚШ долларига тенг йирик мажмуа қуриб битказилса 2 минг нафар киши иш билан таъминланиб, бир йилда 200 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қуриб битказилиши билан Деҳқонободда кейинги икки йил ичида 6 та лойиҳа амалга оширилади. Ҳудудда жойлашган «Марварид» масъулияти чекланган жамият 425 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, ҳар йили 25 минг тонна доломит тоши ва 156 минг тонна бўр ишлаб чиқариб, унинг асосий қисмини хорижга жўнатади.

Эътироф этиш керакки, ҳамма жойда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Масалан, вилоят экспортида кичик бизнеснинг улуши 2,5 фоизини ташкил этади, холос. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 1634 та кичик бизнес корхоналарининг атиги 23 таси томонидан хорижга маҳсулот экспорт қилинган. Ғузор, Деҳқонобод, Қарши, Миришкор ва Муборак туманларида кичик бизнес корхоналари томонидан бирон сўмлик маҳсулот четга чиқарилган эмас.

Бешкентдаги «Зафко» қўшма корхонаси йил давомида 7 мингта футбол, 2 мингта волейбол ва қўл, 2,5 минг дона махсус тўплар ишлаб чиқарди. 22 хилдаги футбол тўплари тайёрланаётган корхона маҳсулотларни сотишда жиддий қийинчиликларга дуч келаяпти. Республикада 70 га яқин халқ таълими бўлимлари билан шартномалар имзоланганига қарамасдан айрим мутасаддилар спорт товарлари харид қилишга эътиборсизлик билан қарашаяпти.

Бир вақтлар сифатли маҳсулот тайёрлаб, истеъмол бозорларига чиқара бошлаган «Кешпласт» корхонасининг ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоят фаолларининг йиғилишида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Ишбилармонларга хорижий ҳамкор ва технология қидириб топиш, маҳсулотларни экспорт қилиш, инвестиция лойиҳаларини, техник - иқтисодий асосларини тайёрлашда кўмаклашиш бўйича бевосита масъул - вилоят ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаларининг фаолиятини янада кучайтириш лозим. Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва бошқа туманларда экспортга мўлжаллаб ҳўл ва қуруқ мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, бу мақсадда фермер ва деҳқон хўжаликларининг бир қисмини ихтисослаштириш, энг асосийси тайёрлов савдо корхоналари ва бошқа инфратузилмаларини ривожлантириш ишлари эътибордан четда қолаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



«Янгийўл-сут»ни қайта ишлаш корхонаси жамоаси тайёрланаётган маҳсулот турларини кўпайтириб бормоқда. Шу мақсадда сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилиняпти. Натижада жорий йил бошидан яна икки хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айни пайтда 25 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган жамоада 15 хилдаги маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга буюртма асосида етказиб берилмоқда.

**Суратда: илғор ишчи Ўткир Иноғомов.**

## ТЕЗ, СИФАТЛИ ВА АРЗОН

123 минг гектар майдонда ғўза парваришлашни режалаштирган сурхондарёлик пахтакорлар экиш мавсумини уюшқоқлик билан давом эттирмоқда. 42 минг гектар ерга уруғ ташланди.

Сурхондарё вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси корхоналари фермер ва ширкат хўжаликларига уруғлик чигитни ўз вақтида етказиб берди. Мутахассислар чигитни экин майдонларига яқин жойда дорилаб, ивитиб, димлаб беряпти. 158 жойда ташкил этилган ана шундай шохобчаларда уруғлик чигит фермер ва оилавий ижарачиларнинг талабига биноан барча агротехник қоидаларга риоя қилинган ҳолда тайёрланаяпти. Бу сезиларли даражада харажат ва вақтни тежайди. Ширкат ва фермер хўжаликлари белгиланган янги тартибга кўра экиладиган уруғлик ҳақининг 30 фоизини пахта тозалаш корхоналарига олдиндан ўтказиб берганлиги мутахассислар назорати ва иш сифатини таъминламоқда.

## ҚИЗЛАР АРҚОН ТОРТИШДИ

Навоий вилоятида Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб ўтказилган хотин-қизлар спартакиадасида ўн жамоа аъзолари спортнинг саккиз - волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, арқон тортиш каби турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Мусобақа Навоий шаҳар хотин-қизларининг умумжамоа ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Зарафшон шаҳри ва Хатирчи тумани жамоаларига иккинчи, учинчи ўринлар насиб этди.

## *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

***Хоразмда аҳоли пунктларининг деярли 95 фоизга яқини газлаштирилган. Аммо сўнгги вақтда вилоятда аҳоли ва халқ хўжалиги тармоқларига табиий газ етказиб беришда муайян муаммолар вужудга келди. Айниқса, бу йилги қиш мавсумида Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ, Хива, Урганч туманларидаги айрим қишлоқлар, Наврўз шаҳарчаси аҳолиси газнинг етишмаслигидан анча қийналди.***

# ОЛИС ҚИШЛОҚЛАР ГАЗЛАШТИРИЛДИ

Вилоят ҳокимлиги мутасадди ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари билан ҳамкорликда тармоқда юзага келган ночор аҳволни атрофлича ўрганиб, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, келажакда аҳолига бир маромда табиий газ етказиб беришни таъминлашга қарата аниқ чора-тадбирларни белгилаб, шу асосда иш бошлади.

Яқиндагина Ҳазорасп туманининг Тошсоқа мавзесида янги «Ҳазорасп-2» газ тақсимлаш шохобчаси барпо этилган эди. Қувурлар узунлиги салкам 11 километрни ташкил этадиган қурилма биринчи босқичда тумандаги Эркин, Янигибозор, Карвак, Овшар, Мухоман каби қишлоқ аҳолиси, жами 1400 га яқин хонадонга табиий газ етказиб беришни яхшилади. Айни кунда шу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишда «Урганчтрансгаз» давлат шўъба корхонаси, «Жанубгазқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, «Хоразмгазтаъминот» корхонаси ва бошқа қатор жамоалар фаоллик кўрсатишмоқда.

Шунингдек, Урганч шаҳрининг Чаккашоликор, Юқоридўрмон, Қоравул қишлоқлари, Урганч шаҳрининг Наврўз шаҳарчасидаги аҳолини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Яқин орада бу борада ҳам ишлар бошланади. Булардан ташқари, келгусида табиий газ таъминотида нуқсонлар бўлмаслиги учун ҳозирдан бошлаб аниқ режа ишлаб чиқилган.

**Кўклам РАҲИМОВ**

*Долзарб мавзу*

***Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, солиқ идораларининг бош вазифаси фақат солиқларни йиғиш эмас, балки солиққа оид жиноятларнинг олдини олишда солиқ тўловчиларга ёрдам бериш, уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш ва улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборат.***

# СОЛИҚ ВАҚТИДА ДАВЛАТ ХАЗИНАСИГА ТУШСА

Солиқларни тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларни яширишга уринмасдан ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун кураш олиб боргандагина, мамлакатимиз бюджети янада мустаҳкамланади.

Туманимиз Давлат солиқ инспекцияси ходимлари маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлар билан ҳамкорликда фуқароларда солиқ маданиятини шакллантириш, турмушимизнинг ҳаётбахш манбаи ҳисобланган солиқ тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Республика ҳукуматининг «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда муддати ўтган дебитор ва нореал қарздорликни аниқлаш, камайтириш ва тугатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Тумандаги 41 та корхонанинг муддати ўтган 184 миллион 944 минг сўм қарзларини ундириш учун улар Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига берилди. Ҳозирга қадар 3 миллион сўмдан ортиқ қарзлар ихтиёрий равишда тўланди. Ўтказилган мониторинглар натижасида 7 та корхона электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётганлиги аниқланиб, прокуратура идораларига юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши таҳлил қилинганда, 66 ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Жорий йилнинг февралида Тўрткўл шаҳар Комилжон Отаниёзов кўчаси 4-уйда яшовчи фуқаро Дастагул Хўжамуродова Кўнғирот-Тошкент поездида сотиш учун хорижда ишлаб чиқарилган 14 та телевизор, 1 та мусиқа марказини олиб кетаётганлиги солиқчилар эътиборидан четда қолмади. Я.Дўсимов кўчаси 48-уйда истиқомат қилувчи Амина Сейтимова Марказий деҳқон бозорида 1 миллион 335 минг сўмлик сифат сертификатига эга бўлмаган чет элда ишлаб чиқарилган кийим-кечакларни сотаётганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Тошкент вилояти Ўртаовул қўрғонида яшовчи Холхўжа Хўжаев ўзи бошқариб келаётган «Мерседес» автобусида баҳоси 9 миллион 550 минг сўмлик 53 дона телевизор, 5 та видео магнитафон ва 8 дона мусиқа марказини ноқонуний олиб кетаётганида қўлга тушди. Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи Шавкат Собуров эса 2045 қути акциз маркасиз, умумий қиймати 572,6 минг сўмлик «PINE» сигаретини олиб ўтаётгани аниқланди.

Тарғибот-ташвиқот ишларига қарамасдан айрим жисмоний ва юридик шахслар турли қоидабузарликларни содир этмоқдалар. Тўрткўл шаҳридаги «Адолат» кўп тармоқли фирмасида текшириш ўтказилганида бу корхона «Шаробсавдо» базаларига маҳсулот олиш учун 89 миллион 410 минг сўм пул ўтказиб, фақат 3 миллион 864 минг сўмини банкка топширган, холос. Фирмаға нисбатан катта миқдорда молиявий жарима қўлланилди.

Тумандаги «Ризқ-рўз» масъулияти чекланган жамияти паттачиси Полвон Райимбоев 124 минг 200 сўмлик чекни истеъмолчиларга тарқатмасдан, пулини йиғиб олган. Қоидабузарга нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима солинди.

Солиқ тўлаш ҳар бир фуқаронинг қонуний бурчи. У вақтида давлат хазинасига тушса, эл-юртимиз фаровон бўлади, бюджет ходимларининг ойлик маошлари, пенсия ва нафақалар ўз муддатида тўланади. Фуқароларда солиқ маданияти шакллансагина, боқиманда қарзлар камайиб, давлатимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланади.

**М.ОТАЖОНОВ**

*Истиқлол берган имкон*

***Бу йилги баҳор сарибелликларга озроқ ташвиш келтирди. Айдаркўлнинг кўпириб-тошиши натижасида Дўнгалак яйловларнинг бир қисмини сув босиш хавфи туғилди. Тошқиндан, айниқса қўшни Абай номли хўжалик чорвадорлари катта зарар кўришди. Қўшқудуқ овулини сув босди, ҳатто хўжалик маркази Боймурод аҳолисини хавфсиз жойларга кўчиришди.***

# ЧЎЛЛИКЛАР

Чўлликлар табиат инжиқликларига кўникиб қолишган. Улар қийинчиликларга матонат ва жасоратни қарши қўйишади. Ўрмон Кўкеновни бундан 2 йил бурун хўжаликка раис қилиб сайлашганда «машҳур раҳбар ўрнини боса олмасов» дегувчилар ҳам топилди. Лекин у ишбилармон, ташаббускор чиқиб қолди. Устозлари, унга ишонч билдирган сарибелликлар юзини ерга қаратмади. Хўжаликда чорва туёқ сони 60 мингдан ошди. Самарадорлик 80 фоизга етди. Ўтган хўжалик йили 370 миллион сўм соф фойда билан якунланди.

Олинган фойданинг каттагина қисми маданий-маиший тадбирларга сарфланди. Овулдаги қаровсиз қолган хўжалик клуби қайтадан таъмирланиб, ёшлар ўйин-кулги қиладиган масканга айлантирилди. Гўзал ва шинам қариялар чойхонаси қад ростлади. Энг муҳими, чўлликлар тарихида биринчи марта спорт мажмуи қурилиши учун кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Ҳудуддаги 5 та мактаб, овуллардаги спорт майдончалари, қишлоқ врачлик пунктлари, кам қонли аёллар ва болаларни соғломлаштириш, кам даромадлилар, якка-ёлғизларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам яхшигина маблағ сарфланди.

Сарибелга саноат ҳам кириб келди. «Ушбас» кўп тармоқли корхонаси чўл бағрида очилган дастлабки қалдирғоч корхоналардан саналади. Раис ташаббуси билан андижонлик тадбиркор Нозимжон Мамажонов ва бошқа 10 га яқин қўли гул усталар ишга жалб қилинди. Чўлда тери, жун сероб. Уни қайта ишлаш эса аҳоли учун ҳам, хўжалик учун ҳам кони фойда. Шу мақсадда марказдаги фойдаланилмай ётган бино замонавий тарзда қайта таъмирланди. Тикувчилик, терини ошлаш ва ишлов бериш, ундан бежирим курткалар, жакетлар ва чўпонлар учун қишки пўстинлар тикиш йўлга қўйилди. Кўп ўтмай бу ерда спорт жиҳозлари тикиш ҳам йўлга қўйилади. Энди олис чўл бағридаги мактаблар арзон ва сифатли «Ушбас» маҳсулотларини олишмоқда. Унинг қошида спорт клуби ҳам ишлаб турибди. Ёшларга қўл жанги устаси, қора белбоғ соҳиби, республика тоифасидаги ҳакам Баҳодир Шермуҳаммедов спорт сирларини ўргатмоқда.

Хуллас, кечагина чўл, деб номланган Сарибел қиёфаси бугун тамом ўзгариб кетди. Марказдан 150-200 километр олисликдаги овуллар қиёфаси кундан-кун чирой очмоқда.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

***Навбаҳор туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Йўлли Шойимовнинг бир тадбиркорнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзган «Қинғир ишнинг қийиғи ёхуд мўмай даромад дардида» сарлавҳали мақоласи таассуфки, матбуот юзини кўрмади. Сарғайган саҳифалардаги мана бу уйғоқ сатрлар беихтиёр эътиборингизни тортади: «2004 йил 12 март. Инспекция ва ИИБ ЙПХ ходимлари ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси юзасидан назорат-текширув ўтказиш пайтида «Тошкент-Зарафшон» йўналиши бўйича келаётган «Мерседес» русумли автобус тўхтатилди. Юклар кўздан кечирилганда Зарафшон шаҳридаги «Якунин и КО» хусусий фирмаси томонидан Тошкент шаҳридаги 5-Қорасув мавзеси 27/23-уйда жойлашган ХТ«Ашурметов»дан олган ҳар хил турдаги 2079,0 минг сўмлик «Балтика» пиво маҳсулотлари борлиги аниқланди. Юкка тегишли ҳужжатлар сиртдан қараганда рисоладагидек эди.***

# СУД ДАЪВОНИ

Текширувчилар нигоҳи бошқа бир жиҳатга қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 380-сонли қарори талабларига кўра улгуржи савдо фаолияти билан фақат юридик шахслар шуғулланиши белгилаб қўйилган. ХТ «Ашурметов» юридик шахс эмас. Демак, бу борада қонун талаблари бузилишига йўл қўйилмоқда. «Якунин и КО» фирмаси раҳбари Ю.Якунин бу далилни тан олишни истамайди. У Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарорининг 10-боб, 38-бандига асосан савдо қилаётганини рўкач қилади. Тўғри, бу қарорда юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган товар-моддий бойликларини сотувга бериш ёки олиш мумкинлиги кўрсатилган. Аммо бу хусусий тадбиркор – жисмоний шахс улгуржи савдо қилиши мумкин, дегани эмас. Республика солиқ қўмитаси, вилоят солиқ бошқармаси эксперт гуруҳи қарорида ҳам бу аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган. Қизиғи шундаки, ушбу ҳужжатларни ўрганиб чиққан Навбаҳор туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ бошлиғи А.Одилов бу ҳаракатни ёқлаб чиқди. Лекин туман прокуратураси СВОЖҚКБ қарорини бекор қилди. Бу ғайриқонуний ҳаракат замирида солиқ тўлашдан бош тортиш, мўмай даромад топиш мақсади ётгани ҳеч кимга сир эмас эди».

Воқеалар бундай кечди. Туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ яна жиноий иш қўзғатишни рад этган. Сўнг вилоят прокуратураси солиққа оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси 2004 йилнинг 19 апрелида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқарган. Қарорда, жумладан шундай дейилади: «Фуқаро З.Ашурметов, Ю.Якуниндан иш ҳолатлари бўйича батафсил тушунтириш хати олинмаган. З.Ашурметовнинг турғун савдо шохобчаси қаердалиги, воситачилик савдоси билан қачондан бошлаб ишлаб келаётганлиги, шу вақтга қадар қанча бу турдаги шартномалар тузилиб маҳсулотлар сотилгани, импорт қилинган маҳсулотларни ҳисобга олиш ва сотиш дафтарига шартномалар қайд қилингани ёки йўқлиги, комитентлар томонидан олиб келинган нақд пуллар турғун савдо шохобчасида мавжуд бўлган назорат-касса машинасига урилгани ёки йўқлиги, нақд пул тушумлари қандай тартибда банк муассасаларига топширилиши, импорт қилинган маҳсулотлар Вазирлар Маҳкамасининг 295-, 407-сонли қарорлари талаблари асосида сотилаётганлиги сўралмаган. Фуқаро Ю.Якунин З.Ашурметовдан бундан олдин ҳам импорт маҳсулотларини олгани ёки йўқлиги, улар ўртасида тузилган воситачилик шартномаси ким томонидан неча нусхада ёзилгани, қаерда рўйхатга олингани, маҳсулотлар олинишидаги шартномани кимга берганлиги, З.Ашурметов билан қандай ҳисоб-китоб қилишга келишгани, нима учун тузилган шартномада бу ҳолатлар ёритилмагани, «Якунин и КО»га хизмат кўрсатаётган банк муассасаси воситачилик шартномаси асосида сотилган маҳсулотларнинг нақд пул тушумини унга тўлиқ қайтариши тўғрисида у билан келишгани сўралмаган. Банкдан бу ҳақда маълумот олинмаган.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун мазмунига кўра, тадбиркорлик деганда тегишли субъектлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккалчилик асосида ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият тушунилади. Шунга кўра иш материлларида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот-маслаҳат маркази томонидан ООО ПКФ «Абсидиан» жамиятига берилган хатда якка тадбиркорлар томонидан маҳсулотларда божхона ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлгани ҳолда воситачилик шартномаси асосида сотилиши тақиқланганлиги кўрсатилган. Республика солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари имзоси билан Навоий вилоят ДСБга 2004 йил 20 мартда берилган хатда якка тадбиркор томонидан воситачилик шартномасида савдонинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорига зидлиги кўрсатилган. Ушбу ҳолатларга хулосалар олиш билан аниқлик киритиш лозим».

Туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ ўтган йилнинг 28 апрелида яна жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарди. Қарорда СВОЖҚКБ бу гал ҳам тадбиркорлик субъектларига тегишли ҳужжатларни жойида ўрганиш ўрнига Ю.Якунин ва З.Ашурметовларнинг тушунтириш хатини олиш ҳамда қарорнинг 3-қисмида «Якунин и КО» фирмаси раҳбарига нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги материалдан хусусий тадбиркор Ашурметов Зокирқулга тегишли қисми алоҳида материал сифатида ажратиб олиниб, қўшимча текшириш ҳаракатлари ўтказишлик учун Тошкент шаҳар Юнусобод туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚКБ бўлимига юборилсин, дейилган.

Зарафшон шаҳар солиқ инспекциясидан олинган маълумотга қараганда, «Якунин и КО» фирмасидаги қонунбузилишлар фақат бу билан кифояланмаган. Масалан, 2004 йилнинг 19-26 апрел кунлари ўтказилган ҳужжатли текшириш натижаларига кўра солиқ ва мажбурий тўловлардан 242,1 минг сўм қўшимча ҳисобланиб, фирмага нисбатан ушбу миқдорда молиявий жарима ҳамда фирма раҳбарига нисбатан ЎзРМЖтКнинг 175-моддаси, 3-қисмига асосан 54,5 минг сўм маъмурий жарима қўлланилган. Бундан ташқари, фирмага тегишли бўлган 6-кичик туман ҳудудида жойлашган савдо нуқтасида савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган қисқа муддатли текширишда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 621-сонли қарори талабларига риоя қилинмагани, назорат-касса машинасидан фойдаланмасдан савдо фаолияти билан шуғулланганлиги учун фирмага нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Навбаҳор туман солиқ инспекцияси ходимларининг айтишича, бу ҳолатлар СВОЖҚКБ эътиборидан четда қолган, ҳатто ХТ «Ашурметов» фаолиятига аниқлик киритилмасдан туриб иш судга оширилган.

Айтгандек, ўтган йилнинг май ойида Навоий ви-

***Инсоният тарихида бетакрор истеъдоди, беназир салоҳияти, шон-шавкати билан ўз юртининг фахр-ифтихорига айланган зотларни миллат ва маънавият қуёши деб эъзозлайдилар. Бизнинг кўҳна ва бетакрор тарихимизда дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккирлар ва саркардалар жуда кўп ўтган. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек «...улар қаторида юлдузлараро қуёшдай чарақлаб турган бир улуғ зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.***

***Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир... Амир Темур - бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир. Амир Темур - халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир».***

# АМИР ТЕМУР - ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Миллий ғурур, халқпарварлик ва ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган, фахр-ифтихорга тўла ушбу сўзлар ҳар биримизни Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги аталмиш муштарак маслак ва ягона мақсад йўлида бирлаштириб, ворислик туйғуларимизни кучайтириб турувчи эзгу даъватдир.

Мамлакатимиз истиқлоли, Президентимиз саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Ҳа, буюк шахсларни енгиб бўлмайди. Бу ҳикматни ҳаёт чиғириғидан ўтказган Амир Темур ҳазратлари айтганларидек: «буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади».

«Миллат дардларига дармон бўлиш»ни ҳаётининг мезони деб билган Амир Темур эса улуғ давлат арбоби, саркарда бўлиши билан бирга, барча эзгу инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган етук маънавиятли, юксак ақл-заковат соҳиби ҳамдир. Унинг маънавий камолотида оиланинг ўрни беқиёсдир. Барлоснинг улуғ амирларидан бўлмиш падари бузруквори Тарағай Баҳодир ўғлини мардлик ва жасорат, қаттиққўллик ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаган. Муаррихларнинг гувоҳлик беришларича, Темурбек болалик чоғлариданоқ турли ўйинлар, машғулотлар билан шуғулланиб, тани ва руҳини чиниқтирган. Буюк саркардаликнинг шавкатли йўли ота тарбиясидан бошланган. Зеро, Навоий ҳазратлари лутф этганларидек:

***Фарзанд ато қуллуғин чу***
***одат қилғай,***
***Ул одат ила касби саодат***
***қилғай.***

Қолаверса, онаси оқила Тигина бегимнинг фарзандига меҳр-муҳаббати, унинг қалбида эзгу ишларга муҳаббат уйғотиши, маънан юксак устозларининг тафаккур дурдоналари ҳаётида

**Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва Озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсун.**

муҳим рол ўйнади.

Амир Темурнинг болалиги, ўсмирлик йиллари ниҳоятда оғир - мўғул истибдоди авжига чиққан даврга тўғри келди. Икки дарё оралиғидаги буюк салтанат пароканда, халқ оч ва таланган, амалдорлар зулми босқинчиларнинг бешафқатлигига қўшилиб, солиқлар, турли хўрликлардан эл азоб чекарди.

Ана шундай адолатсизликка қарши у майдонга чиқди, эзгу мақсад йўлида элнинг бошини қовуштирди, босқинчиларга қаттиқ зарба берди. Эзилган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган эл ва элатларни бирлаштириб, қудратли марказлашган давлатга асос солди. У тузган буюк салтанатнинг ахлоқий-маънавий мезони «Адолат кучда эмас, куч - адолатда» деган ҳикматда эди. Амур Темур дунё тарихидаги жаҳонгирлардан фарқли ҳамиша ҳақиқат ва адолат учун курашган. Эл-улус тинчлиги, халқлар осойишталиги учун қўлига қурол олган.

Соҳибқирон умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Қай мамлакатга қадам

**Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим.**

қўймасин, у замин гуллаб-яшнаган. Кўплаб шаҳарлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар, хонақолар, қалъа-қасрлар, боғ-роғлар, суғориш иншоотлари, равон йўллар, кўприклар барпо эттирган. Аммо бирорта ҳудудга ўзимники, бегона жой қабилида қарамаган. Ул зоти муборакнинг қуйидаги фикрлари сўзимиз исботидир: «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».

Айниқса, Самарқанднинг бетакрор қиёфаси, тенгсиз салобати ва оламшумул шуҳратида Амир Темурнинг ҳиссаси катта.

Соҳибқирон тахт тепасига келганда Самарқанд босқинчилар зулмидан вайронага айланган, халқ оғир иқтисодий таназзулни бошдан кечираётган давр эди. Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши, дунёдаги энг кўркам пойтахтга айлантириш учун Амир Темур катта ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб борган. Бу эзгу ишда дунёдаги энг моҳир меъмор ва усталар, ҳунармандлар жалб этилган. Уларнинг иқтидори ва истеъдоди алоҳида қадрланиб, ўз вақтида рағбатлантирилган.

Булбул осойишталикни севганидек, истеъдод ҳам рағбат кўрган, қўллаб-қувватланган заминда куртак ёзади, ўзини намоён этади. Самарқандда бунёд этилган мовий гумбазлар, минораю мадрасалар, бетакрор осори-атиқалар ана шундай эзгулик дарахти меваларидир.

Демак, жаҳоннинг турли ҳудудларидан илм-маърифат истаб, маънавият излаб олиму фузалоларнинг Самарқанд сари интилишлари табиий ҳол эди. Негаки, жаҳондаги энг катта ва нуфузли илм масканлари, нодир китоблар сақланадиган кутубхоналар, энг муҳими, илм-салоҳияти билан машҳур алломалар шаҳарда фаолият кўрсатарди.

Амир Темур Самарқанддаги боғлари ҳақида шундай дейди: «Менинг бир боғим борки, у Самарқанддан Бухорогача дур». Тарихчи Ибн Арабшоҳ Темур боғлари ҳақида қуйидагича маълумот беради: «Темур Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиб, баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этди. Уларнинг ҳар қайсиси ғаройиботли тартибда, кўркам ва ажиб суратда эди. Уларнинг бири «Эрам боғи», иккинчиси «Дунё зийнати», яна бошқаси «Фирдавс жаннати», унисини «Шимол боғи», бунисини «Олий жаннат» деб атади». Ал-Ғаззолийнинг ёзишича, «Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг кўркам ва гўзал шаҳарларидан бирига - ер юзининг сайқалига айлантирди». Соҳибқироннинг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд қайта чирой очди. Амир Темурнинг юбилей тантаналари ва ҳайкали очилган, шаҳарга Амир Темур ордени топширилган – 18 октябр куни рамзий маънода Самарқанд куни деб эълон қилинди.

Бу эса буюк зотга халқнинг эҳтиром ва ҳурмат рамзидир.

Амир Темур давлатни ҳам куч, ҳам ақл-заковат, ҳуқуқий асос билан бошқарган. Ҳазрат бу ҳақда шундай деганлар: «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим».

Шунингдек, Амир Темур давлатларнинг ўзаро қўшничилик алоқаларига алоҳида аҳамият берган. Дунё мамлакатлари билан тинчлик, тижорат, элчилик воситасида дўстона ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, маънавият ва маърифат, юрт ободлиги, эл фаровонлиги, қолаверса, дунё тинчлиги, осойишталигини ўйлаб Европа ва Осиё бирдамлигига эътибор қаратган.

Марказий Осиё орқали ўтадиган «Буюк ипак йўлида» карвонлар хавфсизлиги таъминланган. Испания, Франция, Англия қиролларига элчи юбориб, уларнинг элчиларига Самарқандда иззат-ҳурмат кўрсатилган. Ул зотнинг Франция қиролига ёзган мактубида шундай сатрлар бор: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ». «Дунё савдо аҳли билан обод»лигини билган Соҳибқирон мағрибдан машриққача савдо-сотиқни кучайтирган, турли равотлар, карвонсаройлар, савдо расталари қурдирганки, бу эл-улус фаровонлигига хизмат қилган. Соҳибқирон қолдирган ҳарбий таълим тизими, жаҳоннинг қудратли давлатларида алоҳида ҳурмат-эътибор билан ўқиб ўрганилган. Ҳатто энг улуғ саркардалар ҳам унинг даҳоси ва ҳарбий тактикасини мукаммал ўзлаштирган.




Амир Темурнинг ана шундай эзгу ишлари учун инсоният унга олтиндан ҳайкал қўйган. Америкалик олим Эдвард Ольверд ўз асарида «Темур шаксиз тарихдаги буюк зот» деса, француз тарихчиси Мустақил Ўзбекистоннинг «Шуҳрат» медали билан тақдирланган профессор Люсьен Керен «Амир Темур – инсоният оламидаги сирли мўъжиза» деб эътироф этган.

**Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатини, ҳар элнинг расми-одати, йўл-йўсинларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари ва бузурглари билан ошно бўлдим ва уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.**

Соҳибқирон бобомиз юрт ободлиги, эл соғлигига алоҳида аҳамият берган. Хароб бўлиб ётган ерларни давлат даромадидан обод қилиш, кўприк қуриш, работлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратган. «Темур тузукларида» ёзилишича: «Амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда... фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар». Ҳақиқатан ҳам Темурийлар даврида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлиб, унда замонасининг машҳур табиблари фаолият кўрсатишган. Самарқандда барпо этилган «Дор-уш-шифо» саломатлик маскани ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилган. Уни тиб илмининг йирик намояндаларидан бири, ўз даврининг машҳур табиби Мир Саййид Шариф Шерозий бошқарган. Асли журжонлик бўлган бу донишманд зот Амир Темур таклифи билан бу ерга келган. Амир Темурнинг шахсий табиби бўлган мавлоно Файзуллоҳ Табризий эса сафарларда ҳамиша ул зот билан бирга бўлган. Соҳибқирон табибларга алоҳида эҳтиром кўрсатиб, инсон саломатлиги йўлидаги фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаган. «Аскарлари қудратли эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», дея эътироф этган. Амир Темур мамлакат қудратининг тимсоли бўлган аскарлар саломатлигини қаттиқ назорат қилган. Ул зотнинг «Ҳакимлар ва табиблар билан иттифоқда бўлиб, уларга касал навкарларни даволатдим» деган сўзлари бу ҳақиқатнинг исботидир.

**Ҳеч кимдан ўч олиш мақомида бўлмадим. Тузимни тотиб менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.**

Тиббиёт донишмандларини салтанатга ривож берувчилар, деб билган Соҳибқирон соҳа ривожига алоҳида аҳамият берган. Табиб Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илёснинг шаҳзода Пир Муҳаммад Баҳодирга бағишлаб ёзган «Рисола дар тарихи бадани инсон» («Инсон баданининг анатомияси ҳақида рисола») китоби тиббиёт соҳаси ва инсон саломатлигини сақлаш масалаларига бағишланади. Беш боб ва хотимадан иборат ушбу рисолада инсон танасининг соғлом ва хаста ҳолатлари, беморга ташхис қўйиш ва даволаш, саломатликни сақлаш тадбирлари илмий асослаб берилган. Шунингдек, Ҳисомиддин Иброҳим Кирмоний, мавлоно Файзуллоҳ Табризий каби ўз даврининг машҳур тиббиёт олимлари ҳам йирик илмий тадқиқотларини Амир Темурнинг бевосита раҳнамолиги ва ғамхўрлиги остида олиб борган. Соҳа мутахассисларининг эътироф этишларича, Амир Темур даврида тиббиёт шу қадар ривожланганки, ҳатто ўша замондаёқ, жасадни балзамлаш усулидан кенг фойдаланилган. Темур ва темурий шаҳзода ва маликаларнинг мўмиёланган жасади бунинг исботидир.

Амир Темур халқ ўртасида турли юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олиш учун кўплаб тадбирлар қўллаган. Шаҳарлар, айниқса, аҳоли гавжум жойларни озода сақлаш, халқни тоза ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўрган. Озодаликка риоя қилмаган, атрофни ифлос қилган, кўчага, сувга ахлат ташлаганлар қаттиқ жазоланган. Айниқса, сувни тоза сақлашга эътибор берган. Сардоба, усти ёпиқ сув қувурлари барпо этилган.

Шу билан бирга Амир Темур соғломлик фақат жисмоний куч-қувватга эмас, балки юксак инсоний фазилатларда эканлигини яхши англаган. Маънан ва руҳан баркамолликни ҳаётининг мазмуни деб билган. Халқнинг минг йиллик анъана ва қадриятларини беназир инсоний фазилати ва раҳнамолиги билан бойитган. Маънан етук, юксак фазилат ва хусусиятларга эга бўлган қатъиятли, сабрли, чиниққан, энг муҳими соғлом инсонгина мамлакат таянчи бўла олишини, «... ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхши»лигини алоҳида таъкидлаган. Фарзанд ва набиралар тарбиясини алоҳида назорат қилиб, уларни ҳар томонлама чиниққан, соғлом фикрли бўлиб улғайишлари учун кўпинча сафарларда бирга олиб юрган. «Менинг фарзандларим тантиқ бўлмасликлари керак. Тантиқлик иродасизликни пайдо қилади. Фарзандларимни эркалайдиган ер кураш майдони бўлсин. Мардлик уларга устоз бўлсин». Бу Соҳибқироннинг темурийзодалар тарбиясидаги қатъий талаби эди. Шунингдек, оқила ва доно Сароймулкхоним Темурийларнинг маънавий ва руҳий олами, тафаккур дунёсини энг гўзал фазилатлар билан нурафшон этган устози олия бўлган. Жангу жадалларда чиниққан баҳодирлар кўнглини маънавият-маърифат билан сайқаллашда, санъат ва адабиёт билан ошно этишда Бибихонимнинг хизматлари бетимсолдир. Амир Темур авлодлар саломатлиги, оила бутунлиги, айниқса, миллатнинг маънавий-маърифий камолотига ғамхўрлик қилиш орқали қудратли давлатга асос солган. Президентимиз айтганларидек: «Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англашдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маънавиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакка ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Буюк Амир Темур даҳоси ҳар биримизнинг қалбимизга эзгулик нурини сочсин, руҳи мустақил юртимизни бало-қазолардан асрасин.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Қонун барчага баробар*

# ҚАНОАТЛАНТИРДИ...

лоят адлия бошқармаси «Якунин и КО» хусусий фирмаси манфаатларини кўзлаб Навбаҳор туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Суднинг ўтган йилнинг 3 июнда қабул қилган ҳал қилув қарорида даъво қисман қаноатлантирилди. Кўп ўтмай вилоят суди апелляция судлов ҳайъати иш хўжалик судида кўрилиши лозимлигини асос қилиб Навбаҳор туманлараро фуқаролик суди қарорини бекор қилди. Ниҳоят, шу йилнинг 19 январида Навоий вилоят хўжалик суди савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг «Якунин и КО» хусусий корхонаси манфаатларини ҳимоя қилиб берган аризасини кўриб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантирди ва туман Давлат солиқ инспекцияси солиқ органларини ривожлантириш фонди ҳисобидан 1.039500 сўм етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Суднинг ҳал қилув қарори қуйидагиларга кўра асоссиз деб топилиб, бекор қилиниши лозим, дейилади Навбаҳор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан келтирилган апелляция шикоятида. Биринчидан, туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарори бузилганлиги аниқ кўрсатиб берилмаган. Иккинчидан, Навбаҳор туман СВОЖҚКБнинг қонуний талаблари туман ДСИ томонидан бажарилмасдан «Якунин и КО» фирмасига тегишли бўлган маҳсулотлар икки ойдан зиёд вақт ушлаб турилган, деб нотўғри кўрсатилган. Мазкур материал юзасидан СВОЖҚКБ билан прокуратура ўртасидаги қарорлар бир тўхтамга келмагунича олиб қўйилган маҳсулотларни тегишли шахсларга бериб юборишга туман ДСИ нинг ваколати йўқлиги суднинг эътиборидан четда қолган. Учинчидан, ҳал қилув қарорида Навбаҳор туманлараро фуқаролик суди қарори билан Навбаҳор ДСИдан «Якунини и КО» хусусий фирмаси фойдасига моддий зарар, пеня, бой берилган фойда, ДСИ бошлиғи Й.Шоймов ва Р.Нуриллаевлардан маънавий зарар ундирилган, деб нотўғри кўрсатилган. Аслида қарор қонуний кучга кирмасдан вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг ажримига асосан бекор қилинган. Тўртинчидан, ҳал қилув қарорида «Хусусий корхоналар бир ойда оладиган фойданинг ҳисоб-китоби...20 фоизни ташкил этади», деб кўрсатилган. Аслида эса мазкур тоифадаги корхоналар ялпи даромад солиғини ҳисоб-китобларнинг ўсиб бориши тартибида тақдим этадилар. Олинган маълумотларга асосан хусусий корхонанинг 2004 йилнинг январ-ноябр (11 ойлик) товар айланмаси 25250,0 минг сўмни ташкил этади. Бу эса товар айланмасига нисбатан 7,8 фоиз демакдир. Битта корхонага тегишли бўлган икки хил ҳисобот нима сабабдан судга тақдим этилган деган савол очиқ қолган. Худди шунингдек, товарлар мулкнинг эгаси ХТ «Ашурметов»га эмас «Якунин и КО» фирмасига қайтарилгани ҳам қонун талабларига зиддир.

Демократик жараёнларни бошидан кечираётган жамиятимизда солиқ тўловчи манфаатлари қонун билан муҳофазаланган. Шу билан бирга солиқ тўловчи ҳам мамлакат ва унинг қонунлари олдидаги бурчини, масъулиятини бир лаҳза бўлсин унутмаслиги керак.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

## ШУ ТЎҒРИМИ?

***САВОЛ: шу йил 54 ёшга кирдим. 5 йил институтда ўқиганман, 11 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. 6 йил боғчада тарбиячи сифатида фаолият кўрсатдим. 4 нафар фарзандим бор. Қолган даврларда бола тарбияси билан банд бўлиб ишлай олмадим. 54 ёшдан пенсия тайинлашларини сўраб туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилган эдим улар рад этишди. Шу тўғрими?***

**Б.БЕКНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** ҳа, тўғри. Чунки Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14-апрелдаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3-сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 12¹-модда билан тўлдирилган. Унга кўра умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи ушбу Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганларида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш агар у Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувилари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ёки ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ-кон қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият-ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган тақдирда.

## «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ





Юқорида кўрсатилган жойларда аёллар камида 20-йил меҳнат фаолияти билан шуғулланган тақдирда, уларга эллик тўрт ёшдан ёшга доир пенсия тайинланади. Сизнинг меҳнат фаолиятингиз 17 йилни ташкил этган. Институтда ўқиган даврингиз Қонуннинг 37-моддаси «е» банди бўйича болаларингизни тарбиялаган даврингиз Қонуннинг «ж» банди бўйича эллик беш ёшга тўлганингизда умумий иш стажига қўшиб ҳисобланиб, сизга 55 ёшдан ёшга доир пенсия тайинланади.

## КИМЛАР УРУШ НОГИРОНЛАРИГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ?

***САВОЛ: уруш ногиронларига тенглаштириладиган шахслар тоифасига кимлар киради?***

**А. ДАВЛАТОВ,**
**Янгийўл тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ногиронлар уруш ногиронларига тенглаштириладилар:

а) собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

б) 1941 йилнинг 22 июнидан 1954-йилнинг 31 декабригача собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган ҳамда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядларда хизмат қилган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

в) темир йўлнинг фронт яқинидаги участкаларида ишлаган, мудофаа иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектларнинг қурилиши ишларида қатнашган ҳамда II-жаҳон уруши йилларида уруш бўлаётган жойларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ходимлар;

г) II жаҳон уруши ва «граждан»лар уруши йилларида партизан отрядлари ва қўшилмалари таркибида ёки яширин ишларда бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар;

д) ҳаракатдаги армия таркибидаги ишларда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиши натижасида ногирон бўлиб қолган ёлланган таркибдаги шахслар;

е) II жаҳон уруши даврида фашист концлагерларида (гетто ва зўрлик билан тутиб туриладиган бошқа жойларда) бўлган даврда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган шахслар (тутқунлар, шунингдек болалар);

ж) тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида қатнашиш, шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда байналмилал бурчларини адо этиш туфайли яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлари ва оддий ходимлари таркибида бўлган шахслар;

з) ҳарбий хизматдаги вазифаларини (хизмат вазифаларини) бажариш пайтида яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлари ва оддий ходимлари таркибида бўлган шахслар;

и) ўқув машғулотлари ёки текшириш учун йиғинларга чақирилган ва шу йиғинларда ўз хизмат бурчларини бажараётиб яраланиш, контузия олиш, майибланиш ва касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий мажбуриятдаги шахслар.

# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## СУВ ОСТИ ШАҲРИ

*Биласизми?*

Болгарияда чиқадиган «Космос» илмий-оммабоп журнали ташкил этган ҳаваскор аквалангистлар экспедицияси 1969 йилдан буён Қора денгизнинг Болгарияга туташган соҳилида сувости археологик тадқиқотлари олиб боради. Бу вақт мобайнида сув остидан Тинума деган қадимги шаҳар қолдиқлари топилди. Жумладан, бундан 2700-3000 йил муқаддам мавжуд бўлган аҳоли манзилгоҳи очилди.

1981 йили Урдовия буруни яқинидан сопол кўза топилганди. Экспедиция раҳбари профессор Велизар Велковнинг фикрича, бу топилдиқ мазкур сув ости қазишмалари билан боғлиқ бўлган жами машаққатларни оқлади. Бундай кўзалар тахминан милоддан аввалги XII асрга оид Троя қатламларидан маълум. Болгарияда эса у биринчи бор топилиши. Мутахассислар шундай тахмин қилишмоқда: Троя шаҳри (Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбидаги қадимги шаҳар) ахейлар томонидан қамал қилиниб, унга олиб келадиган қуруқлик йўллари кесиб қўйилганда Фракия (Болқон ярим оролининг шарқий қисмидаги қадимги вилоят)дан бу шаҳарга озиқ-овқат ва бошқа турли юклар денгиз орқали ана шундай кўзаларга солиб келтирилган.

1982 йили сувости археологлари, асосан, Болгария жанубий чегараси яқинидаги Ахтопол кўрфазида иш олиб боришди. Бу кўрфаз номи илк бор X асрга оид ёзма манбаларда учрайди, бироқ экспедиция кўрфаз тубидан милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми - I минг йилликнинг бошларига тааллуқли тош лангарларни топди. Шунингдек, чала ишланган бошқа хил лангарлар ҳам учрадики, бу ҳол ана шу жойда қадимда устахона бўлганидан дарак беради.

**Н.САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади**

*Ташаббус*

***Халқимизда «Кийимига қараб кутиб олинади, одобига қараб кузатилади» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир кишининг кийим-боши унинг маданий, ақлий, ахлоқий, маиший қарашларини ифодалайди. Ҳар томонлама етук инсон оддий, бироқ дид билан кийиниб, ҳамманинг эътиборини тортади. Шунга кўра, баъзиларнинг кийиниши одамларда ҳавас уйғотса, баъзиларнинг кийиниши ажаблантиради. Нима бўлганда ҳам кийиниш одоби бўлиши керак. Унда ўқитувчи ибрати зарур.***

## КИЙИНИШ ОДОБИ

### унда ўқитувчи ибрати зарур



Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Мактаб педагог ходимларининг махсус мактаб формасини жорий этиш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилиниб, таълим муассасаларига етказилди. Бу хайрли ишни биринчилардан бўлиб, Жиззах вилояти халқ таълими ходимлари қўллаб-қувватлади. Барча туманлар мактабларида бу иш қизғин бошлаб юборилди. Айниқса, Дўстлик тумани халқ таълими тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Мавжуд 19 та умумий ўрта таълим мактабларининг эркак ўқитувчилари бир хил мактаб формасига эга бўлишди. Шунингдек, аёл ўқитувчилар ҳам мавсумга мослаб либос танлашди.

- Туманимизда саккиз юзга яқин ўқитувчилар меҳнат қилишади. Мактабга борсангиз ҳавас қиласиз. Ўз андозаси, дизайни ва тикилиши билан кўзга яққол ташланиб туради, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Азим Ғаппоров. - Либосларнинг нархи унчалик қиммат эмас. Эркак ўқитувчиларники 13-15 минг, аёлларники эса кўпи билан 15-18 минг сўмга тўғри келди.

Ўсмир ёшидаги ўғил ва қиз болалар яхши кийингиси келади, замонавий ва гўзал юришни хоҳлайди. Лекин ёшлар фақат ташқи гўзаллик билан эмас, балки маънавий гўзаллиги - юриш-туриши, ҳаётга, турмушга муносабати, билимдонлиги, аҳлоқ-одоби билан ҳам гўзал бўлишга ҳаракат қилишлари керак.

Устозларининг либосларига ҳавас қилган дўстликлик мактаб ўқувчилари ҳам ягона мактаб формасига ўтиш бўйича ташаббус билан чиқдилар. Тумандаги Гагарин номли 14-, Абай номли 13-мактаблар ўқувчилари мактаб формасига эга бўлишди. Бундай хайрли иш бошқа таълим муассасаларида ҳам уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Ўқув йили охиригача мавжуд 12 минг нафар ўқувчилар махсус мактаб формаси билан таъминланади.

**Б.НОРҚУЛОВ**

**Суратда: ўқитувчиларнинг мактаб формасидан намуналар**

## *Футбол-тест*

### КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Футбол қоидасига кўра ўйиндаги четлатиш, жароҳатланиш ёки бошқа вазиятлар сабабли жамоалардан бирида нечта футболчи майдонда қолса, учрашув тўхтатилади?**

А) 5 нафар
В) 6 нафар
С) 7 нафар
Д) 8 нафар

**2. Илк бор «Олтин ҳуштак» билан тақдирланган лайсмен - қанот ҳакам ким?**

А) Жефф Херст
В) Алексей Спирин
С) Тофиқ Баҳрамов
Д) Павел Казаков

**3. Суюн Муртазоев қайси жамоа бош мураббийи ҳисобланади?**

А) «Локомотив» (Тошкент)
В) «Гулистон» (Сирдарё)
С) «Трактор» (Тошкент)
Д) «Сўғдиёна» (Жиззах)

**4. Украина миллий терма жамоасини «Германия-2006» сари бошлаётган мутахассис ...**

А) Андрей Шевченко
В) Олег Блохин
С) Андрей Бал
Д) Олег Кузнецов

**5. «Майнц» клуби қайси юрт чемпионатида қатнашишини биласизми?**

А) Франция
В) Англия
С) Бельгия
Д) Тўғри жавоб берилмаган.

## НИМ ТАБАССУМ

– Хотинимга ҳайронман-да! Пул сўрагани сўраган. Кунига ўн марта сўрашдан ҳам тортинмайди.

– Шунча пулни нима қилади?

– Ҳеч нарса. Мен унга бир тийин ҳам бермайман.

* * *

Яқинда турмушга чиққан қизидан онаси сўради:

– Қизим, турмушинг қалай? Эринг жанжал-панжал қилмайдими?

– Ҳозирча яхши турибмиз. Куёвингиз нима сўрасам беради, нима десам бажаради.

– Демак, кам сўраб, кам буюрар экансан.

* * *

Бошлиқ ёрдамчисига ўн дақиқалик маъруза ёзиб беришни буюрди. Маъруза тайёр бўлгач, бошлиқ мажлисда уни ярим соат ўқиди. Эртасига ёрдамчисини койиди:

– Нега ўн дақиқалик десам, ярим соатлик маъруза ёздингиз?

– Кечирасиз, уччала нусхасини бериб юборибман.

* * *

– Уста, шогирдингиз соқолимни қандай оларкин? У ер-бу ерини кесиб олмасмикин?

– Хавотир олманг, кесиб олмайди. Мен унинг қўлига ўтмас устара бериб қўйганман.

* * *

Хотин эрига:

– Олимларнинг ҳисобига кўра, одам ўртача бир кунда ўн мингта сўз айта оларкан.

– О, жоним, бу жиҳатдан сен ўртача эмассан.

* * *

Хоним эри билан катта оркестр концертига боришди. Улар залга кечикиб келишди– концерт бошланган экан. Хоним ёнидаги одамдан аста сўради:

– Кечирасиз, нимани ижро этишяпти?

– Бетховеннинг тўққизинчи симфониясини.

Хоним эрининг қулоғига шивирлади:

– Кассага бориб пулни қайтариб олинг, саккизта симфония ўтиб кетипти.

* * *

Сочи буткул тўкилиб кетган одам паришонхотирлик билан сартарошхонага кирипти.

– Сочимни олиб қўйсангиз. Лекин эҳтиёт бўлинг, шамоллабман шекилли, йўталяпман.

– Майли, ундай бўлса, шляпангизни ечмай ўтира қолинг.

* * *

– Бугун врачга борувдим, иккита тишимни суғуриб олди.

– Нега? Битта тишинг оғриди-ку?

– Мен берган пулга врачнинг қайтими йўқ экан.




**А.ҲАКИМОВ чизган сурат**

*Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийни эслаб*

***Бадиий китоб ўқиш - янги одамлар билан учрашиш, янги-янги дўст ва мусоҳиб топиш демакдир. Шундай китоблар бўладики, улардаги баъзи қаҳрамонлар худди тирик одамлар сингари сизга қадрдон, кўнглингизга беҳад яқин бўлиб қолади. Улар билан дилдан бир боғлансангиз, кейин ҳеч ажралмайсиз.***

# «ҲАР ВАҚТКИ КЎРГАЙСЕН МЕНИНГ СЎЗУМНИ

## сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни»

Мана, бир неча йиллардан буён мен хаёлан, яъни тасаввурда бир давра яратиб олганман. Унда мен севган, ҳатто сиғинадиган ижодкорлар бор: Яссавий, Румий, Навоий, Бобур, Машраб, Толстой, Қодирий... Кўп булар. Қанчадан-қанча улуғ олиму алломалар бор. Шу «давра» аҳлининг маълум бир қисмини юқорида айтганим китоб қаҳрамонлари ташкил этади. Уларнинг миллати, ирқи, дини, урф-одатларига мен унча эътибор қилавермайман. Шахсият, одамият ва ҳақиқат - муҳими мана шу. Ушбу маънода ўзимизнинг адибларимиз яратган бир неча қаҳрамонларнинг фаҳм-фаросати, ақл-заковати, шижоат ва мардлигидан фахрланаман. Шулардан бири - ўзингиз билган ўша донишманд, эл-юрт қайғусидан ичи ёнган Юсуфбек ҳожининг яккаю ягона фарзанди Отабек. Яна бири Салим бўёқчининг етимчаси, тақдир синовларини мардона енгиб ўта олган Мирзо Анвар. Отабекни мен Мирзо Анвардан олдин таниганман, чунки «Ўткан кунлар» аввал ўқилган. Кўп миллатдошларимиз қатори бу улуғ роман менинг ҳам маънавий-руҳий ҳаётимда янги кунларни бошлаган, энг покиза, лазиз ва энг гўзал туйғуларнинг маъно-мазмунини биринчи бўлиб очиб берган. «Ўтган кунлар»ни ўқишдан туғилган илк таассуротлар, мушоҳада ва ўспиринлик хаёлларини сўзлайдиган бўлсак, албатта, асосий мақсаддан чалғийман. Барибир, бир нарсани айтишим зарур: ёшликда, хусусан болаликда ўқиган китоб, агар у яхши китоб бўлса, хотирада нақшланади, воқеалар кўнгил кўзгусида сувратланиб қолажак асар бўлади. Ғоявийлик нима, бадиийлик сирлари нима, тасвир маҳорати қанақа - буларни билмайсан, эҳтимол билишга ҳам қизиқмайсан. Китобда тили, дили, ўй-хаёллари, қилган ишлари, курашлари билан сени ром этган жонли Одам борлигини, шу Одам онг ва идрокингга таъсир ўтказганини жуда яхши англайсан. Ҳар бир янги китоб ўқувчини ҳар жиҳатдан мустақил жонли шахсиятлар билан учраштирмаса, бу учрашув - ажралмаслик гарови бўлмаса, бундай асардан на ақл, на юрак баҳра олмаслигига ишонаверинг! Бадиий асардан баҳра олиш тушунчаси шу қадар кенг ва чуқурки, бу - ахлоқдан бошлаб руҳониятгача бўлган барча баҳрамандликни қамраб олади. Хоҳ ақл тили билан ўқинг, хоҳ туйғу, хоҳ руҳоният, истанг, қайғу ва армон тили билан мутолаа қилинг - Абдулла Қодирийнинг романлари барча эҳтиёжингизга тўла-тўкис жавоб бера билади. Бу жиҳатдан унинг санъаткорлиги адабиётимиз тарихидаги нодир ва такрорланмас ҳодисадир.

«Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига худди момақалдироқдек гулдурос билан кириб келди ва худди чақмоқдек ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди», деб ёзган эди академик Иззат Султон. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий истеъдодида кишини ҳайратлантирадиган ва фавқулоддалиги билан ақлни лол қолдирадиган бир самовийлик бор эди. Юксак руҳоний ҳаёт бой берилиб, маърифат ва ҳақиқат завқи сўндирилаётган бир даврда Абдулла Қодирийнинг адабиёт осмонида момақалдироқдек гулдурос солиб, чақмоқдек ёлқин сочиши, «овропача» усулда кўзи боғланиб, қулоғига қўрғошин қуйилаётган жафокаш ва жабрдийда халққа Оллоҳнинг иноятидир. Асрлар давомида зулм ва ҳақсизлик офатларидан беҳад эзилган, турғунлиги - карахтлик ва лоқайдликка айланган, энг ёмони, беҳад толиққан халқ, ҳали мисли кўрилмаган ғалаён ва талатўплар тўфонида миллий ўзликдан ажралиш хавфига дадил ва кескин қаршилик кўрсатолмай қолганди. Ўч ва исён жойини қўрқув ва таслимият эгаллаганди. Шунинг учун буюк Чўлпон:

*Мен «ўзлик»дан кўпдан бери узилиб,*
*«Кўплик» ичра ботиб кетган танамен,*

деб ёзганди.

Миллат табиатини тушуниш - миллий фазилатни билиш демак. Фазилатшунослик халқнинг маърифат ва маънавият даражаси ҳақида тасаввур беради. Бу эса миллатнинг ирода кучидан сўзлашга йўл очади. Ҳақиқат курашларида иродаси тобланмаган миллат мўрт ва тез эгилувчан бўлади. Унинг ғурури - ғурурсизлик, ҳурлиги - қулликдан фарқланмайди. Абдулла Қодирий буларни миридан- сиригача англаган санъаткорлардан эди. Унинг руҳоният дунёси - оловли кўчкилар, садосиз портлашлар, интиқом бўронлари кўзғолган бир дунё эди. Адибнинг халқ меҳри ва юрт ишқи билан лиммолим тўлган қалбини тарих ҳам, замон ҳам қарийб теппа-тенг қақшатарди. Унинг яқин тарихга термулган доно кўзлари қайғунинг қаро сувратларини кўрар, замонга боққанда эса мунгга тўларди. У қонсираган телба замонасидан қочишни, нур ва зулмат, шодлик ва кулфат қоришиб ётган тарихга қараб юришни хоҳларди. Аммо мозий ҳам мададга муҳтож эди. Унга қарши мафкуравий-сиёсий жангга тайёргарлик бошланганди.

Абдулла Қодирийнинг «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар», дейишидан кўзланган бир мақсад ҳам ана шудир. «Ўткан кунлар»нинг мавзуи «Яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан танланган. Чунки халқ ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий таназзул кейинги хонликлар даврида баланд чўққисига етган эди. Маълум бир маънода чор босқинчиларининг вориси бўлган большевиклар буни яхши билишарди. Улар, энг аввало, шахсий бутунлик ва мустақил шахсият душмани эдилар. Мустақил шахслар қанча тез таслим этилса, қанча тезлик билан йўқотилса, янги салтанат ўшанча тез қад ростлай олишига уларнинг ишончлари комил эди. Бой берилган ва қизил қонга бўялиб ётган жонажон юртни босқинчиларнинг кир чангалидан қайтариб олиш - Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар учун ҳаёт-момот масаласи эди. Уларнинг онг ва шуурида замондан - тарихга, мозийдан-замонга юриладиган тўсиқсиз йўллар очилганди. Уларнинг кўнглида малаклар йиғларди. Бу - эрк малаклари эди. Уларнинг руҳида ўт-олов гурилларди. Бу - исён ва ҳасрат алангаси эди.

Бу ҳасрат ва надоматнинг умри узоқ эди. Бу сўзлар шўро истибдоди кунларидаги аҳволнинг ҳам жуда аниқ шарҳи ҳисобланарди. Гўё Юсуфбек ҳожининг гаплари Қодирий дил яраларини сувратлантирарди. Чунки қорин, мансаб, шуҳрат қайғуси юртда тантана қилган, бир-бирини еб-ичишлар авж олиб борарди. «Шахсий бутунлиғи бўлмоғон, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучини тополмоғон ожиз, кучсиз одамлар» миллати, ватани тақдири учун кураша олмаслигини Қодирий мукаммал англаб етганди. Адиб тарихга таяниб шахсий бутунлик ғоясини илгари суриш ва бадиий талқин қилишни кўзларди. Шу тариқа ўзбек адабиётида «биринчи улкан ва гўзал роман» (Ойбек) - «Ўткан кунлар» дунёга келганди. Бу романда Абдулла Қодирий руҳ ва ҳол тилида сўзлаш санъатида шу қадар илгарилаб, олий натижаларга етишган эдики, ундан кейин қайси ёзувчимиз шу йўлда куч синашга уринганлигини мен аниқ айтолмайман. Руҳ ва ҳол манзаралари, оҳанг ва изтироблари тасвирида «Меҳробдан чаён» ҳам «Ўткан кунлар» билан беллашиб билмаса-да, унинг ўзига хос бошқа фазилат ва хусусиятлари бор.

Ҳеч бир тарихий асар, айниқса, тарихий роман осонлик билан ёзилмайди: мавзуга даҳлдор тарихий давр, шароит ва муҳит пухта ўрганилиши керак. Тарихни замонга яқинлаштирадиган ёки боғлайдиган моҳият робиталарини бехато аниқлаш лозим. Қаҳрамонларнинг мақсад ва вазифалари, характер хусусиятлари ёркин тасаввур қилиниши зарур.

«Мен оғир карвон одамман, кўп кузатишим керак», - деган экан Абдулла Қодирий. Кузатишгина эмас, бадиий сўзнинг жозибаси ва таъсир қувватини теран ҳис қилган адиб қўлга қалам олишга шошилавермаган. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»да тасвирланган тарихий ҳаёт гарчи бир-биридан узоқ ва тубдан фарқланмаса-да, адиб Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги даврларини ўрганишдан вақтини аямайди. Тарих китобларини кўздан кечиради, ҳар хил маълумот тўплайди. Ойбек домланинг ёзишича, «Қўқон хонлигининг пойтахтига - Қўқонга бориб Худоёрхон давридан қолган саройларни, мадрасаларни ва бошқа тарихий биноларни текширади. Хон ўрдасидаги ва унинг ичидаги маишатни, сарой ҳаётининг «сир»ларини билиб олишга тиришади». Худоёрхон замонида яшаган, кўп воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган кишиларни топиб суҳбатлашади. Булар билан ҳам иш битавермайди. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг хотирасида қайд этилишига кўра, Абдулла Қодирий шоир Ғайратийга «Меҳробдан чаён»нинг шаклини «бир йилдан кўп ўйладим», деган экан. Унинг хотираларидаги мана бу маълумотлар янада қизиқарли.

«Меҳробдан чаён»ни ёзишга тайёрландим. Ҳамма нарса тахт: романнинг шакли, қаҳрамонлари, воқеалари, асарнинг хотималаниши кўз олдимдан давра олиб ўтиб турибди. Аммо ишни қаердан, нимадан бошлаш, даврага қандай кириб бориш ўйлатар, қийнар эди, - деган эди дадам бир вақт, оилавий ўтиришда. – Бир кун туш кўрдим. Гўё, Махдум домла гўшт, пиёз кўтариб, мачитдан чиқиб келар ва узоқдан мени ўзига имлаб, қўлидагиларни кўрсатар эди. Уйғониб кетдим. Ажабланиб хаёл суриб ётдим ва бирдан қувониб кетдим. Чунки ишнинг учи топилган, романнинг қандай ва қаердан бошланиши аниқланган эди...»

Шундай қилиб, икки қиш мобайнида, «Ўткан кунлар» ёзилган Эшонгузар маҳалласидаги ўша ҳовли, ўша уй, ўша сандалда Абдулла Қодирий ўзининг иккинчи ўлмас романини ёзиб тугаллаганди. Бу - 1928 йилнинг февралига тўғри келади.

Асар қисқа фурсатда оққа кўчирилиб нашриётга топширилади. Масъулиятни ҳеч пайт бўйинга ололмайдиган сиёсатдонлар иккиланиш - дудмаллик билан китобни бир неча ой тўхтатиб турадилар. Ниҳоят 1929 йилнинг баҳорида «Меҳробдан чаён» Самарқандда босмадан чиқади.

Болаликда қишлоғимиздаги кекса зиёлилардан «Ёзувчи бўлса, Жулқунбойдай бўлса-да, ҳам қувнатади, ҳам йиғлатади...», деган гапларни эшитганмиз. Кейин англасам, ўша одамлар ҳам Абдулла Қодирий ижодининг ҳақиқий мухиблари экан. «Меҳробдан чаён»ни биринчи бора мен 1959 йили босилган нашрда ўқиган эдим. Бу китоб йўқолгани йўқ - кутубхонамда турибди. Чунки раҳматли дадамнинг қўллари теккан, дадамдан мерос қолган китоб сифатида ҳам у мен учун жуда қадрлидир.

Мирзо Бобур:

*Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,*
*Сўзумни ўқуб, соғингайсен ўзумни,*

деган сатрларни гўё Қодирийга атаб ёзгандек. Биз ҳақиқатан ҳам Қодирийнинг сўзини ўқиб, ҳамиша «ўзи»ни соғинамиз.

Абдулла Қодирийнинг асарларини теранроқ мутолаа қилганимиз сайин, улуғ адиб шахсига меҳр-муҳаббатимиз ўшанча ортади. Қодирийнинг шахсияти энг юксак ҳақиқатларга чорловчи ва соғинтирувчи шахсият, ўзбек насрида бундай ижодий шахсият яна қачон пайдо бўлади, буни ёлғиз Оллоҳ билади.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори**

***Бу сўзни эшитган ҳар бир кишининг хаёлидан бир фикр ўтиши табиий: «Йиртқич». Лекин қизиқ, нима учун кишилар фарзандларига Бўри, Бўритош каби исмлар қўйишади. Яқинда Бўрихол деган қиздан исмининг маъносини сўрасам, хафа бўлиб қолди. Демак, бир сири бор, деб ўйладим ўзимча. Шундан сўнг онасидан сўраб билдим.***

# БЎРИ

*Турфа олам*

Тиши билан туғилган қизчага қарияларнинг қаршилигига қарамасдан Моҳира деб исм қўйишади. Чақалоқ эса кундан-кунга ўзгара бошлади. Яъни йиғлаш ўрнига увиллайдиган, тунда кўзлари ёнадиган одат чиқаради. Бундан хабар топган қариялар Моҳиранинг исмини Бўрихол билан алмаштиришади. Қарангки, исми қўйилган чақалоқ увиллашни ҳам, кўз ёшини ҳам ташлабди. Чунки бундай чақалоқларни исми билан туғилди, дейишаркан. Мабодо исми қўйилмаса, бошқа исмни кўтаролмасдан нобуд бўлиши мумкин экан.

Бўрихол каби исмларни қўйишнинг яна бир сабаби бўлиб, агар чақалоқ туғилиб, нобуд бўлаверса Бўри, Бўрибой, Бўрихол, Бўритош каби исмлар қўйилиб, бўрининг оғзидан айлантириб олинади ёки устидан сакратса ўша чақалоқ яшаб кетади.

Айрим вилоятларда, жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд томонларда бўрининг қадри баланд. «Хон» деб аталадиган бу ҳайвоннинг тиши, тирноғи ёки тукини бешикка илиб қўйса, чақалоқ ёмон кўзлардан йироқ бўлади. Аксарият чўпонлар орасида тарқалган «Бўрининг думида Азройилнинг туки бор» деган гап ҳам бежиз эмас. Агар бўрининг думидан бирор тук олиб уйга, ўтовга ёки қўрага (қўйлар турадиган жой) илиб қўйилса, бу жойларга Азройил қадам қўймас эмиш. Халқ орасида «бўри чилла» деган гап бор ва бунинг икки хил талқини мавжуд. Бўрининг айни қишда икки ой чилла вақти бўлади. Бу вақтда бўрилар қишлоқ оралаб юради. Чиллали келин ёки янги фарзанд кўрган аёл ўша бўрини кўриб қолса, 7 йилгача фарзанд кўрмас экан. Иккинчи талқини, айнан бўри болалаётган (ҳар етти йилда болалайди) вақтда никоҳ ўқилган келин ҳам етти йилгача фарзанд кўрмайди. Мана шулар «бўри чилла» дейилади ва у фақат бир кишига тушади. Унинг давоси ҳам бўри билан боғлиқ. Яъни бўрини тутиб, унинг устидан «чилла» тушган келин ёки жувон сакрайди. Ёки бўрининг тукини дамлаб ичиш керак. Бошқа сабаблар билан фарзанд кўрмаётганлар ҳам бу муолажадан кейин фарзанд кўрганликлари кузатилган.

Бу борада халқ оғзаки ижоди, афсона ва айрим асарлардан ҳам кўп маълумот олиш мумкин. Масалан, Хитой солномаларида айтилишича жамики турк халқларининг тимсоли битта бўри бўлган. Шу боис ўтмишда турклар байроғига бўрининг тасвири туширилган. Туғ бошига эса бўрининг бош суяги илиб қўйилган. Афсоналарга мурожаат этадиган бўлсак, турк ҳоқони ҳам бўридан тарқалган экан. Қонли жангларнинг бирида хунларнинг ҳаммаси битта қолмасдан қирилиб кетган. Душманлар биргина болани ўлдиришмайди. Лекин унинг оёқ- қўлини кесиб ташлаб кетишади. Она бўри ўша болани топиб олади ва муқаррар ўлимдан, очликдан сақлаб қолади. Уни ўз сути билан боқади. Уларнинг фарзандлари кейинчалик турк ҳоқонлигига асос солади.

Туркийларга мансуб бўлмаса-да, бўри ҳақидаги яна бир афсонада келтирилишича, қадимий Рим шаҳрига асос солган Рамул ва Ремни ҳам она бўри вояга етказган.

Тоҳир Малик асаридаги қаҳрамонлардан бири бўри ҳақида шундай дейди:

... Агар одамларда бўри туйғуси бўлсайди, олам бошқача яшарди. Бўрилар одамлар каби бир-бирини ғажимайдилар. Аҳил яшайдилар. Улар озодликни ҳеч нарсага алишмайди. Бундай аҳиллик, мағрурлик ҳеч бир жонзотда йўқ. Сен циркда бўри ўйнатаётганларни кўрганмисан? Йўқ, кўрмагансан. Филдан тортиб илонгача бир луқма овқат учун инсонларга масхара бўлади. Фақатгина бўри бунга бўйсунмайди.

Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» асарида она бўри Акбарани эслаш жуда ўринли. Инсонларда буюк бир хислат бор. Бу ҳам бўлса одамийлик. Лекин Акбарада ундан-да кучлироқ бир хусусият бор эди. Болалари билан оч ҳолда ўлжа қидириб юриб, боғлаб ташланган Авдийни кўриб қолади, лекин унга зиён етказмасдан изига қайтади.

... Акбаранинг боласини Бозорбой пул илинжида сотиш учун олиб қочади. Боласини қўмсаган Акбара одамлар орасидан Бўстон Ўркунчиевнинг боласини олиб қочмоқчи бўлади. Лекин уни ўлдириш ёки қасос учун қилмоқчи эмасди. Олиб кета туриб, унинг тасаввуридан ўтган воқеани инсон зоти хаёлига ҳам келтирмайди.

Ҳа, биз йиртқич деб ўйлаганимиз ҳайвон шунчалар ажойиб хислатларга эгаки, беихтиёр ҳайратга тушасан киши.

**Феруза ҚУВОНОВА,**
**журналист**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Марказий Кенгаш аъзоси, касаба уюшма Марказий Кенгашининг Навоий вилояти бўйича вакили Яндош Ярашевга падари бузруквори

**САФАР** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5